**“Тасдиклайман”**
**Бектемир тумани МТБ рахбари**
**А.А. Аджумерова**

# Бектемир тумани МТБ томонидан қуйилган эълон бўйича танлов хужжатлари

<u>Бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот</u>

Бектемир тумани МТБ тасрруфидаги 578-сонли ДМТТида 2022 йил ноябрь ойида амалга оширилиш кузда тутилган жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш.

578-сонли ДМТТига амалга оширилиш кўзда тутилган жорий таъмирлаш ишлари учун тумани жамотчилик фикри асосида “Openbyudjet.”партали орқали ғолиб бўлганлиги учун Хокимнинг 2022 йил 10 октябрь I I-62-130-]4-198-К/22-сон қарори билан ажратилган маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. КТИДМТТда амалга оширилиш кўзда тутилган жорий ишларини амалга ошириш учун нуқсонли далолатнома илова қилинган, ушбу нуқсонли далолатнома асосида ташкилот жорий таъмирлаш ишларини амалга оширилиши шарт. Шартнома бўйича ишларни якунлаб тўлиқ ишларни топшириш даполатномаларини буюртмачи МТБга топширади.

Бектемир тумани МТБ томонидан 578 сонли ДМТТни жорий таъмирлашга 641466535,00 сўм маблағ ажратилган. Хизматнинг умумий нархи 592251831,00 сўм бўлиб хисоб- китоблар миллий валюта сўмда амалга оширилади шунингдек, тулов ва кафолатлар шартлари бўйича шартнома тузилгандан сўнг 5 иш кунида 30% олдиндан тулов амалга оширилади, қолган 70% пул маблағлари иш якунлангандан сўнг 10 банк иш кунида тўлиқ ўтказиб берилади,

Танлов бўйича таклифлар қабул қилишнинг бошланиши ва тугаши эълонда кўрсатилган вақт ҳисобланади.

Танловда иштирок этиш учун таклифлар ўзбек тилида бўлиши шарт.

Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш талаби билан ёзма ва оғзаки сўров бериши мумкин. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида, лекин таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга тегишли жавоб юборади.

Хизматнинг муқобил вариантларига йўл қўйилмайди.

Танловда иштирок этиш учун таклифларни

Танлов etender.uzex.uz оркали эълон муддати тугаган кундан бошлаб учинчи иш кунидан кейинги кун (шанба, якшанба кунлари дам олиш куни ҳисобланади) соат 15:00да ўтказилади.

## Иштирокчиларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

Қонун хужжатларида белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини ижро этиш учун талабгорлар сифатида иштирок этаётган Ўзбекистан Республикаси Президентлари ва норезидентлари харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (бундан буён

матнда иштирокчи деб юритилади) бўлиши мумкин.

**Иштирокчи кунидаги хукукларга эга:**

1. Давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан конун хужжатларида назарда тутилган хажмда фойдаланиш;
2. Муайян давлат харидлари тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари буйича сўровлар бериш ва тушунтиришлар олиш;
3. Харид килиш тартиб-таомиллари бузилган такдирда давлат харидлари натижалари устидан белгиланган тартибда 2 кун ичида шикоят килиш;
4. Давлат харидлари тартиб-таомилларида кўрсатилган холларда конун хужжатларига мувофик таклифларга ўзгартишлар киритиш ёки уларни кайтариб олиши мумкин.

**Иштнрокчи кунидаги мажбуриятларни олади:**

1. Давлат харидлари тўғрисидаги конун хужжатлари талабларига риоя этиши;
2. Давлат харидлари тўғрисидаги хужжатлар талабларига мувофик булган таклифлар ва Хужжатларни tender.uzex.uz оркали такдим этиши хамда такдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар булиши;
3. Ғолиб деб топилган тақдирда давлат буюртмачиси билан конун хужжатларида назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.
4. Иштирокчи конун хужжатларига мувофик бошка хуқуқпарга хам эга булиши ва унинг зиммасида бошка мажбуриятлар хам бўлиши мумкин.

**Иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш шартлари**

Давлат буюртмачиси ёки махсус ахборот портали оператори қуйидаги холларда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:

иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-харакатнинг бажарилишига, қарор қабул килинишига ёки бирор-бир харид килиш тартиб- таомилининг қулланилишига таъсир ўтказиш максадида давлат буюртмачисининг ёки бошка давлат органининг исталган хозирги ёки собик мансабдор шахсига ёки ходимига хар кандай шаклдаги хакни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошка қимматбахо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

иштирокчи рақобатлашувда адолатсиз устунликка эга булса ёки конун хужжатларини бузган холда манфаатлар тўқнашувини келтириб чикарса.

## Харид комиссияси

Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомиллари ғолибини танлаш тўғрисида карорлар қабул килиш ваколатига эга булган коллегиал органдир.

Харид комиссияси ишининг асосий максади иштирокчиларнинг таклифларини буюртмага мувофикпик даражаси буйича холис бахолашдан ва тартибга солишдан хамда давлат харидлари ракобатлашув усуллари оркали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат.

Харид комиссияси қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Харид комиссиялари аъзоларида иштирокчилар билан аффилланганлик хусусиятига эга алокалар мавжуд бўлган такдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўтарилган мажлисда ўзини ўзи

рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу хакда баённомада қайд этилади.

Агар харид комиссиясига мазкур комиссия аъзосининг аффилланганлиги мавжудлиги тегишли масала юзасидан қарор қабул килингунига кадар маълум бўлиб колган бўлса, унинг ўзи эса ўзини ўзи рад этмаган булса, бундай аъзонинг мазкур масала бўйича овоз беришига йўл қўйилмайди.

Агар харид комиссиясига тегишли масала бўйича овоз берган мазкур комиссия аъзосининг аффилланганлиги мавжудлиги қарор қабул қилинганидан кейин маълум бўлиб қолган бўлса, бундай аъзонинг овози мазкур масала буйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади.

Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар барча иштирокчилар учун мажбурийдир.

## 1. Танлов иштирокчиларининг бахолаш мезони

Мазкур мезон Ўзбекистан Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги ЎРК 684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Низом *(Қонуп хужжатиари маълумоптари мигни'/ базаси. 23.04.2021* м., *03/21/684/0367-сон*)га асосан ишлаб чикилган.

Бахолаш мезони Бектемир тумани МТБ томонидан Танловга қўйилган хизматни бажариш максадида иштирок этиш истагини билдирган муносиб номзодларни танлаб олишни белгилайди.

Танлов деганда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни (ишни сифатли ўз вакгида, реал бажариш)ни таклиф қилган иштирокчи ғолиб топиладиган харид қилиш тартиб тамоилини амалга оширишнинг тўғри тушинилади.

Иштирокчилар қуйидаги хужжатларии электрон платформа оркали такдим этишлари лозим. (Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, мухр куйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдикланган ёки таклифларнинг хар бир варағи имзоланган ҳолда такдим этиш тавсия этилади.)

1. Охирги бюджет ташкилотларида ишлаган объект буюртмачиларидан тавсиянома (эълонга қўйилган давр учун)
2. УР^ 684-47 бандига асосан инсофсиз руйхатида эмаслиги тўғрисида маълумотнома (эълонга қўйилган давр учун)
3. Бюртмачи билан обектни олдиндан кўздан кечириш далолатномаси (эълонга қўйилган давр учун)
4. Давлат солик кўмитасидан 2019-2020-2021 йиллар учун молиявий натижа ва баланс нусхасидан кўчирма
5. Обектнинг охирги 10% колдик сўммасини кўрилиш назорат ўлчови қилингандан сўнг тулаб берилишига розилик хати.
6. Таъмирлаш ишларини бажариш учун зарурий техника ва асбоб ускуналар мавжудлиги, уларнинг сони тўғрисидаги маълумот (сон хаддан куплиги ва шахсийлиги устунлик беради қолган катнашчиларга қараганда )
7. Корхонанинг гувохномаси банк ва соликдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома (эълонга кўйилган давр учун).
8. Доимий равишда ишловчи ходимлар 12 тадан кам бўлмаган малакали ишчилар мавжудлиги my.mehnat.uz дастурига киритилганлигидан нусха (сон жихатдан кўплиги устунлик беради қолган қатнашчиларга қараганда )

9. Танловдаги обектга ўхшаш бюджет обектларидаги шартномалар ва рўйхати, охирги 3 йиллик иш тажрибаси (танлавга қўйилган обектларга ўхшашлиги бўйича қилинган ишлар бўлса устинлик беради)
10. Танлов иштирокчисининг салоҳияти (рейтинг категорияси) (эълонга қўйилган давр учун)
11. Коррупцион ҳолатларга йул қўйилмаслиги тўғрисида иштирокчининг ёзма тасдиқланган аризаси
12. Бажариладиган ишлар муддати, сифатига кафолат хати.
13. фаолият тўғрисидаги 1-2 шакллар маълумоти, ҳисоб рақамдаги маблағнинг мавжудлиги (маблаг кўплиги қолган қатнашчиларга караганда устунлик қилади)
14. Иш тажрибаси юқори йил бўлганлиги устинлик беради
15. тақдим қилинадиган ҳужжатлар ўзбек тилида бўлганлиги устунлик беради
16. корхона тасисчисининг исботлавчи малумотнома

Тақдим этилиши лозим бўлган хужжатларнинг 1; 2; 3;4,5,6,7;8,9,10; 11; 12,13; 14.15,16, рақамдаги талаблардан бири тақдим этилмаган тақдирда номзодга кейинги босқичга ўтишга рухсат берилмайди.

Кейинги босқичга рухсат этилган номзодларнинг такдим этилган ҳужжатлари қўйидаги тартибда баҳоланади.

Танлов иштирокчиларини ҳозир бўлган ваколатли вакиллари ўзларининг иштирок хақида гувоҳлик белгиси сифатида реестрга ўз имзоларини қўйишлари керак.

Таклифни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарномалар берилган таклифлар очилмайди.

Йиғма жилдлар таркибини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек танлов ғолибини аниқлаш ёпик йиғилишларда амалга оширилади. Танлов таклифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор қилинмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тақдим этилган таклифлар очилгунга қадар бутлиги учун жавобгарлик танлов ташкилотчиси зиммасида бўлади.

Гтаклифларни бахолаш даври танлов таклифлари тақдим этилган кундан этъборан узоғи билан 3 кунни ташкил этади.

Танлов комиссияси гаклифларни тўғри тўлдирилганлиги, имзоланганлиги ва умумий холати юзасидан ўрганади, танлов иштирокчилар малакасини бахолаш амалга оширади.

Малака бахоланганидан сўнг малакадан ўтган ва 2 йиғма жилдни очишга рухсат олган танлов иштирокчилари эълон қилинади. Танлов комиссиясининг барча қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади, овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

1 Танлов комиссияси томонидан танлов иштирокчилар тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган ҳолда, танлов комиссияси ушбу танлов таклифини рад қилишга ҳақли.

Танлов комиссияси танлов хужжатлари талабларидан таклифдаги ахамиятсиз фарқларни эътиборга олмасликка ҳақли, агарда улар бошка қатнашчилар рейтингига таъсир қилмаса.

Танловга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомада қайт этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация

қилиш сабаблари кўрсатилади.

Танлов комиссияси танлов таклифларини батафсил ўрганиш ва бахолаш учун бахолаш гурухларини тузиш мумкин. Бахолаш гурухларининг таркибига танлов комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консультатлар (танлов комиссиясининг қарори бўйича ) киритилиши мумкин. (Экспертлар жалб этилганда хулоса бир ой муддатда хулоса элон қилинади) Бахолаш гурухларининг аъзолари танлов комиссияси азолари каби танловни ташкиллаштириш ва ўтказишга доир қонунчиликка ва мазкур танлов ҳужжатлари талабларига риоя этиш маъсулятини ўз зиммаларига оладилар

Ушбу талабнома Бектемир тумани МТБ маъсул ходимлари МТБ мудири Бектемир иқтисодчиси , МТБ бош хисобчиси, МТБ бош хисобчиси ўринбосари, бўлим мутахасиси, давлат харидлари бўйича мутахасиси, бўлим хўжалик мудири томонидан тузилиб чиқилди.

| | |
|---|---|
| МТБ мудири | А.А. Аджумерова |
| МТБ бош хисобчи | Р.Шамурадова |
| Бектемир МТБ бош ҳисобчи уринбосари | Г.Т. Холикова |
| Бўлим иқтисодчиси | С.Мардонов |
| МТБ давлат харидлари бўйича мутахасиси | Р.Нуриддинова |
| Мутахасиси | К.М.Сохибов |
| Хўжалик мудири | Д.Мадаминова |